

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2020 йил октябрь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳридаги “А.Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Имомовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Бороатовнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Каримов, судланувчи Д.Абдурахмонов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Бойбилов, жабрланувчи Ж.Шамсуддиновларнинг иштирокида, Абдурахмонов Даврон Абдираимовичга нисбатан №1-1801-2003/226-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Абдирахмонов Даврон Абдираимович (Abdurahmonov Davron Abdiraimovich) 1992 йил 29 июль куни Қашқадарё вилояти Қамаш туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилалик, вақтинча ишламайди, Қамаш тумани, Қорабоғ маҳалла фуқаролар йиғини, Кўлёмғир қишлоғида яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 30 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчи ҳамда гувоҳларнинг суддаги кўрсатувларини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича ўрганиб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И;

Судланувчи Абдирахмонов Даврон Абдираимович 2020 йил 9 сентябрь куни Қарши шаҳар “Қарши-Шахрисабз йўли” кўчасида жойлашган “Универсал Лидер Авто Транс” хусусий корхонасига қарашли бўлган автомашиналарни вақтинчалик сақлаш жарима майдончасида ўзига тегишли бўлган “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинасига маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жарима майдончасига қўйилганлиги ва жарима майдончасидан чиқариб бериш эвазига Қашқадарё вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ батальони махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддиновга 1.000.000 сўм миқдорида пора таклиф қилиб, шу пулни пора тариқасида берган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланувчи Д.Абдирахмонов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб қуйидагиларни, яъни “У таниши Очилов Обиджондан “Нексия-



2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинасини 2020 йил август ойининг ўрталарида фуқаро О.Очиловдан 40.000.000 сўмга сотиб олганлиги, автомашинани эгаси О.Очилов Қозоғистон Республикасида ишлаётганлиги сабабли, автомашина ҳужжатларини ўзининг номига расмийлаштира олмаганлигини, 2020 йил 8 сентябрь куни Қарши шаҳар “Артель” савдо дўкони атрофида “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинани бошқариб кетаётганида, ЙПХ ходими тўхтатиб автомашинанинг ҳужжатлари йўқлиги сабабли маъмурий баённома расмийлаштирилиб, автомашина жарима майдончасига қўйганлигини, шу атрофда турган “Зил” юк машинаси ҳайдовчиси, автомашинасини жарима майдонидан чиқариш бўйича Гаи ходими билан гаплашиб беришини айтганлиги, кейинчалик Баҳром исмли Гаи ходими қўлини бир қилиб кўрсатганлиги, унда пул йўқлиги сабабли яшаш жойига қайтиб кетганлиги, эртаси куни яна пул олиб келиб Баҳром исмли Гаига учрашганида кутиб туришини айтганлигини, кейинроқ олдига бир оқ Ласетти автомашинаси келиб тўхтаганлигини, ундан бир миллион пулни олиб, Баҳром исмли Гаи билан ниманидир гаплашиб, пулни яна қайтариб олиб келиб берганлигини, шундан кейин автомашинани жарима майдончасидан чиқариш мақсадида шу атрофда юрган ЙПХ ходими кейинчалик исмини билишча Ж.Шамсуддиновнинг ёнига бориб, автомашинани жарима майдончасидан чиқариб берса 1.000.000 сўм пул беришини айтганлиги, ЙПХ ходими унга бу ҳаракати жиноят эканлигини, жиноят кодексининг 211-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини, маъмурий баённомани Қамаш туманига юборишини, ўша ердан жаримани тўлаб автомашинани жарима майдончасидан чиқариб олиб кетишини маълум қилганини, шундай бўлса ҳам Ж.Шамсуддиновга 1.000.000 сўм пулларини пора тариқасида бериб, автомашинани чиқариб кетмоқчи бўлганини, 2020 йил 9 сентябрь куни соат тахминан 13:15ларда Қарши вилоят ИИБ ЙҚХБ ЙПХ батальони махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддиновга “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинани жарима майдончасидан чиқариб бериши эвазига 1.000.000 сўм пулларни пора тариқасида берган вақтида ушланганини, шундан сўнг фуқаролик кийимида бўлган 5-6 нафар киши келиб, ўзларини Қарши шаҳар прокуратураси, Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими ва ИИБ ходимлари ҳамда холислар деб таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, вилоят ЙҚХБ ЙПХБ махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддиновнинг билдиргиси юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини, Ж.Шамсуддиновга “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинани жарима майдончасидан чиқариб бериш эвазига 1.000.000 сўм пулларни пора тариқасида берганликда гумонланаётганлигини маълум қилишиб, ўзини таништиришни сўрашганини, шундан ўзини Абдирахмонов Даврон Абдираимович деб таништирганини, ходимлар уни Ж.Шамсуддиновга автомашинани жарима



майдончасидан чиқариб бериши эвазига пора тариқасида берган 1.000.000 сўм пулларни Ж.Шамсуддиновдан олишиб, санаб кўришганини, ушбу қилмиши жиноят эканлигини тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Шамсуддинов Жамшид Неъматуллаевич судда, “2020 йил 8 сентябрь куни ЙПХ ходимлари томонидан кунлик тузилган маъмурий баённомаларни йиғиб олиш ва электрон базага киритиш мақсадида, Қарши шаҳар Марказий озиқ-овқат бозори атрофидаги “Артель” савдо дўкони олдида борганини, унинг ёнига ёши 25-30 лар атрофида бўлган 2 нафар йигит келганини, улардан бири ўзини “Даврон” деб таништириб, ўзига тегишли бўлган “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинага нисбатан маъмурий баённома тузилиб, автомашина жарима майдончасига кўйилганлигини, шу автомашинани жарима майдончасидан чиқариб берса 1.000.000 сўм миқдорида пора бермоқчилигини маълум қилганини, Давронга бу иш жиноий жавобгарлик келтириб чиқаришини ЖКнинг 211-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишини айтганида, Даврон унга “ҳеч ким билмайди сиз менга автомашинани жарима майдончасидан чиқариб беринг” деб айтганини, шунда Давронга бир неча бор бу иш жиноят эканлигини айтганида ҳам Д.Абдирахмонов ўз фикридан қайтмасдан унга 1.000.000 сўм пора беришини бидирганини, шунда кейин 2020 йилнинг 8 сентябрь куни ЙПХ ходимларидан йиғиб олинган маъмурий баённомаларни кўздан кечирганида, Қамаш тумани Қорабоғ МФЙда яшовчи фуқаро Абдирахманов Даврон Абдираимович эканлигини, “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинани ҳужжатларсиз бошқаргани сабабли маъмурий баённома тузилиб, жарима майдончасига кўйилганлиги маълум бўлганини, шундан сўнг Департаментнинг Қарши шаҳар бўлимига бориб, ҳолат юзасидан билдирги ёзиб мурожаат қилганини, билдиргига асосан 2020 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Қарши шаҳар бўлими вилоят ИИБ ҳамда Қарши шаҳар прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида тезкор тадбир ўтказилиб, “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчиси Д.Абдирахмонов ва уни ўртасида бўлиб ўтадиган суҳбатларни ёзиб олиш учун унга овоз ёзиш мосламасини баённома асосида тақдим қилишганини, шундан сўнг, у Д.Абдирахмонов билан учрашиш учун ўзининг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашинасида Қарши шаҳар “Қарши-Шахрисабз йўли” кўчасида жойлашган “Универсал Лидер Авто Транс” хусусий корхонасига тегишли жарима майдончасига келганида, Д.Абдирахмоновуни жарима майдончаси олдида кутиб турганлигини кўрганини, келиб Д.Абдирахмонов билан бирга жарима майдончаси ҳовлисига кирганини, Д.Абдирахмоновга пора бериш жиноят эканлигини, ақл борида ушбу ниятидан қайтишини айтиб огоҳлантирганини, А.Абдирахмонов эса ўзи таклиф қилган 1.000.000



сўмни олиб келганлигини, машинасини жарима майдончасидан тезроқ чиқариб беришни илтимос қилганини ҳамда у пора тариқасида бермоқчи бўлган 1.000.000 сўм пулини унга берганини, шундан сўнг тезкор ходимларига олдидан келишилган ишорани берганини, ходимлар холислар иштирокида видеокамера билан улар турган жойга келишганини, Д.Абдирахмоновга хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, унинг билдиргиси юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини, унга “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинани жарима майдончасидан чиқариб бериш эвазига 1.000.000 сўм пулларни пора тариқасида берганликда гумонланаётганлиги маълум қилишганини, шундан кейин фуқаро ўзини Абдирахмонов Даврон Абдираимович деб таништирганини, сўнгра ходимлар Д.Абдирахмонов унга пора тариқасида берган 1.000.000 сўм пулларни санокдан ўтказиб, пулларни ашёвий далил сифатида олиб қўйишганини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ А.Насимов судда, 2020 йилнинг 9 сентябрь куни Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими томонидан вилоят ЙҚХБ ЙГТХБ махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддиновнинг билдиргиси асосида ўтказилган тезкор тадбирда холис сифатида қатнашганини, 2020 йил 8 сентябрь куни Қашқадарё вилоят ЙҚХБ ЙПХБ махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддинов Қарши шаҳар, И.Каримов кўчаси “Артел” савдо дўкони ёнида хизмат олиб бораётган ходимлардан кунлик қилинган, яъни маъмурий баённомаларини йиғиб олаётган вақтида 70 L 187 ОА давлат рақамли Нексия русумли автомашина ҳайдовчиси Абдирахманов Даврон Абдираимович автомашинасини жарима майдончасидан чиқариб бериш эвазига 1.000.000 сўм пора таклиф қилаётганлигини билдириб, Д.Абдирахмоновга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб мурожаат қилганини, Қашқадарё вилоят ЙҚХБ ИШХБ махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддиновга 70 L 187 ОА давлат рақамли “Нексия” русумли автомобиль ҳайдовчиси Д.Абдирахмонов билан ўрталарида бўлиб ўтадиган суҳбатларни ёзиб олиш учун унга «Digital Voice Recorder» русумли овоз ёзиш мосламаси тақдим қилинганини, Ж.Шамсуддинов фуқаро Д.Абдирахмонов билан учрашишдан олдин Ж.Шамсуддиновнинг ёнида бўлган пул маблағлари бор ёки йўқлиги кўздан кечирилганда унинг ёнида пул ёки моддий қимматликлар борлиги аниқланмаганини, шундан сўнг, Ж.Шамсуддинов тадбир иштирокчилари биргаликда Қарши шаҳар Қарши-Шаҳрисабз йўли кўчасида жойлашган “Универсал Лидер Авто Транс” хусусий корхонасига қаршли бўлган автомашиналарни вақтинчалик сақлаш жарима майдончаси ёнига борилиб, Ж.Шамсуддинов автомашинадан тушиб, автомашиналарни вақтинчалик сақлаш жарима майдончасига кириб кетганини, ходимлар кузатиш учун қулай жойга жойлашишганини, сўнгра орадан тахминан 5-10 дақиқалар ўтгандан сўнг Ж.Шамсуддинов олдиндан келишилган “Ишора”ни билдирганини, тезкор гуруҳ аъзолари холислар



иштирокида видеокамера билан жарима майдончаси ҳовлисига кирилиб, ҳовлининг ўртасида 70 L 187 ОА давлат рақамли “Нексия-2” русумли автомашина ёнига бориб, автомашина ёнида турган Ж.Шамсуддинов ва унинг ёнида турган фуқарога хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, унга ўзларини таништиришиб, Қашқадарё вилоят ЙҲХБ ИПХБ махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддиновнинг билдиргиси юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини, у Ж.Шамсуддиновга “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинасини жарима майдончасидан чиқариб бериш эвазига 1.000.000 сўм пулларни пора тариқасида берганликда гумонланаётганлиги маълум қилганини баён қилди.

Қўшимча гувоҳ Б.Омонтурдиев судда, Қашқадарё вилоят ИИБ ЙҲХБ ИПХБ махсус отряд инспектори вазифасида ишлашини, Қарши шаҳридаги “Артел” дўкони ёнида у ўз хизмат вазифасини бажариб турган вақтида “Нексия-2” русумли 70 L 187 ОА давлат рақам белгили автомашинани тўхтатиб автомашина эгасига ўзини таништирганлигини ва ҳайдовчидан ҳужжатларни тақдим қилишни сўраганлигини, ҳайдовчи ҳужжатларни тақдим қила олмаганлигини ва ёнида йўқлигини айтганлигини, шундан сўнг ҳайдовчининг исм фамилиясини сўраб унга нисбатан тегишли маъмурий баённома расмийлаштирганлигини, Д.Абдирахмоновга пора беришни таклиф қилмаганлигини ва унга Қашқадарё вилоят ЙҲХБ ИПХБ махсус отряд командири ўринбосари Ж.Шамсуддиновга бориб учрашишини айтмаганлигини баён қилди.

Бундан ташқари, судланувчи Д. Абдирахмоновнинг айби; билдирги, тақдим этилган дискни эшитиб кўриш ҳақидаги баённомаси, овоз ёзиш мосламаси диктофонни бериш ҳақидаги баённомаси, ҳодиса жойини видеокамерани қўлланган ҳолда кўздан кечириш ва ашёвий далиллар билан қўлга олиш ҳақидаги баённомаси, билдирги муаллифи Ж.Шамсуддинов ва фуқаро Д.Абдирахмонов билан ўрталарида бўлиб ўтган сўзлашувларни эшитиб кўриш ҳақидаги баённомаси, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомалари, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ёзма далиллар билан ўз исботини топди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Абдирахмоновнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Д.Абдирахмоновга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқдор ва содир этган жиноятини тушуниб етиб пушаймонлик билдирганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК



211-моддасининг 1-қисми билан модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, судланувчи Д.Абдирахмоновнинг зиммасига бир қанча чекловлар юклашни, жазони ижро этишни Қамаш туман ИИО ФМБ пробацья гуруҳи зиммасига юклатишни ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни, Д.Абдирахмоновнинг “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан кейин бекор қилишни;

Суд жиноят иши бўйича ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, Д.Абдирахмонов томонидан Ж.Шамсуддиновга пора тариқасида берилган ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармасининг “Ипотека банк” АТИБ Қашқадарё вилоят филиалидаги 20203840204052286001 сонли ҳисоб рақамига вақтинча сақлаш учун топширилган жами 1.000.000 сўм пулларни пора предмети сифатида давлат фойдасига ўтказишни лозим топди.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, сўзлашувлар ёзиб олинган жами уч дона дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни;

Жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини қайд этишни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 458, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига қўлланиб, суд -,

Ҳ У К М Қ И Л Д И;

Судланувчи **Абдирахмонов Даврон Абдираимович**(Abduraxmonov Davron Abdiraimovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Абдирахмонов Даврон Абдираимовичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 211-моддасининг 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Д.Абдирахмоновга қуйидаги чекловлар юклатилсин:

- сутканинг муайян вақтида, яъни кечки 21⁰⁰дан эрталаб 7⁰⁰га қадар яшаш жойидан чиқмаслик;

- муайян жойларга, яъни клуб, дискотека ва барларга бормаслик ҳамда оммавий тадбирларда иштирок этмаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;

-агарда яшаш ёки иш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш каби мажбуриятлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Қамаш туман ИИО ФМБ пробацья гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Д. Абдирахмоновнинг эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, сўзлашувлар ёзиб олинган жами уч дона дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Ашъвий далил, Д. Абдирахмонов томонидан Ж. Шамсуддиновга пора тариқасида берилган ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармасининг “Ипотека банк” АТИБ Қашқадарё вилоят филиалидаги 20203840204052286001 сонли ҳисоб рақамига вақтинча сақлаш учун топширилган жами 1.000.000 сўм пуллар пора предмети сифатида давлат фойдасига ўтказилсин.

Ушбу ҳукмдан норози томонлар, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Б.Имомов

